Farg'onaazot
aksiyadorlik jamiyati

www.azot.uz info@azot.uz
@uzkimyosanoat t.me/fargona_azot

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

Kimyogar

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqa boshlagan. № 5 (1681) 2020-yil, 19-iyun.

САМАРАЛИ МЕҲНАТ, ДАРОМАД ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ 2 бет

ДОБРЫЕ ИНИЦИАТИВЫ – ЗАЛОГ РАЗВИТИЯ 3 стр.

ЦИФРОВИЗАЦИЯ ПРОЦЕССОВ И ЭЛЕКТРОННЫЙ ДОКУМЕНТООБОРОТ 4 стр.

Хабарингиз бор, шу йилнинг 5-6 июнь кунлари муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятимизга ташриф буюриб, дилбар Фарғонада амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар билан яқиндан танишди. Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги,тадбиркорлик, қурилиш, таълим соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берди. Юртбошимиз барча ислоҳотларимиз – инсон омили, бахти ва саломатлиги ва фаровонлигига қаратилганлигини алоҳида эътироф этди.

Фарғона вилояти:

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР ИСЛОҲОТЛАР БАРДАВОМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Ўз навбатида яқин истиқболда вилоятда ҳаётга татбиқ этилиши кўзда тутилаётган лойиҳалар тақдимотлари ўтказилиб, бу борада Президентимиз томонидан бир қатор эзгу ташаббуслар илгари сурилди. Тадбиркорлик ва замонавий мезонлар асосида янгича иш услубига ўтиш иқтисодий ривожланиш ҳамда тараққиётнинг асоси эканлиги таъкидланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Фарғона шаҳрида вилоят ва туман ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда муҳтарам Президентимиз ҳар биримизнинг келгуси фаолиятимизда муҳим дастурламал бўладиган эзгу ташаббусларни илгари сургани билан эътиборга сазовордир.

Самимий мулоқот руҳида ўтган йиғилишда тадбиркорлик фаолиятини кенг-қувватлаш, одамларни бугунги кунидан рози бўлиб яшашларига эришиш орқали юртимизда фаровон ҳаётни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, авваллари "камбағал" сўзини айтиш қандайдир хато ёки уят ҳисобланган. Бунга кўз юмиб келинган, бу тўғрисида гапирилмаган. Бугун бу борада вазият ўзгарди. Юртбошимизнинг 2020 йилги халқимизга йўллаган Мурожаатномасида ҳам камбағалликни камайтириш бўйича айтиб ўтилди. Бу борада бир қатор устувор вазифалар белгиланди.

Йиғилишда Фарғона вилоятининг ўзида 23 минг оилани камбағалликдан чиқариш бўйича катта тадбирлар бошлангани алоҳида эътироф этилди. Қолаверса, 14 минг оилани кичик бизнес билан қамраб олиш, бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ошириш бўйича ҳам тегишли топшириқлар берилди.

Хусусан, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш орқали қарийб 14 минг оиланинг оёққа туришига кўмаклашилади. Бундай лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит ресурслари ҳажмини 25 фоизга ошириш, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 400 миллиард сўм кредит ажратиш бўйича кўрсатма берилди. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва эркин иқтисодий зоналар орқали 6 мингдан, қишлоқ хўжалиги соҳасида 17 мингдан ортиқ оилани камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади. Масалан, ғалладан қисқарган 4 минг гектар, оборотдан чиққан 3,5 минг гектар ерда боғ ва токзорлар ташкил этилади. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузурида Доривор ўсимликлар илмий маркази ташкил этилиб, 10 минг гектарда шу турдаги ўсимликлар етиштириш йўлга қўйилади. Президентнинг қайд этишича, бундан буён вилоятдаги туман ва шаҳарлар тўртта секторлари раҳбарлари барча ишини йиғиштириб қўйиб, ҳафтада бир кун фақат тадбиркорлар билан мулоқот қилади. Шу орқали ҳар бир сектор ҳудудида фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг муаммолари ўрганилиб, ҳал қилинади. Натижада тадбиркорлар олдида имконият пайдо бўлади, бундан фойдаланган тадбиркорлар бир қадам олдинда юради.

– Фарғона шаҳрида, Марғилонда, Қўқонда, Қувасойда, Қўштепада уддабурон, ишбилармон тадбиркорлар бор. Лекин уларни эшитишга раҳбарларнинг сабр-тоқати йўқ, гўёки иши кўп. Лекин тадбиркор бизни боқаяпти, тадбиркор ислоҳотларни амалга ошираяпти, тадбиркор одамларни

иш билан таъминлаяпти, тадбиркор солиқ тўлаяпти. Шуни инобатга олиб, Бош вазир ўринбосарлари С.Умурзоқов ва Ж.Қўчқоров бошчилигидаги раҳбарлар Фарғона тадбиркорларининг муаммоларини манзилли ўрганиб, чора-тадбир қабул қилади. Агар тадбиркор ислоҳотчи бўлса, камбағалчилик ўз-ўзидан қисқаради, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу маънода корхонамизда ҳам ишлаб чиқаришни узлуксиз ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2020 йилнинг январь-май ойларида соф ҳолда 140 800 тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди. Жорий йил якунлари бўйича соф ҳолда 349 600 тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

Корхонада минерал ўғитлар ишлаб чиқаришдан ташқари охирги бир йил мобайнида 3 хил янги турдаги, кичик тоннажли, ички бозорда талаби юқори бўлган, импортдан олиб келинаётган, маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонамизда кейинги йилларда янги турдаги импорт ўрнини босувчи органик ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида умумий қиймати 228 миллион долларга тенг 3 та инвестицион лойиҳаси амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариши қўшимча 985 миллиард сўмга оширилиб, янги 5 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Натижада 500 та янги иш ўрни яратилади, экспорт салохияти 38 млн долларга ошади.

Корхонамиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ана шу эзгу мақсадларга ҳамоҳанг эканлиги таҳсинга лойиқ. Зеро, ҳар қандай жамият ва халқ юрт тақдири ҳамда келажагини бугун униб-ўсиб, катта ҳаётга кириб келаётган янги – баркамол авлод тимсолида тасаввур этиши табиийдир.

ЁШ ВА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР

корхонанинг эртанги кун истиқболини белгилайди

Корхонада замонавий билим-тафаккур ва кенг дунёқарашга эга малакали кадрлар захирасини яратиш ҳамиша устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада юртимиздаги ихтисослашган ўрта махсус, олий таълим муассасалари ва хорижнинг нуфузли таълим масканлари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Ўз навбатида корхонада устоз-шогирдлик анъанаси бардавом бўлиб, бу борада олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар ёш истеъдодларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этаётгани билан қувонарлидир. Бугунги мақоламизда корхонамизнинг эртанги кун истиқболини таъминлашда катта ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган икки нафар малакали мутахассислар фаолияти хусусида тўхталиб ўтамиз.

Азимжон Тўхтабоев 1984 йили Қува туманининг Акбаробод қишлоғида зиёли оилада туғилган. Акбаробод қишлоғидаги ихтисослаштирилган лицей интернатини аъло баҳоларга битириб, 2002 йили Фарғона политехника институтининг кимё технология факультетига грант асосида ўқишга кирди.

Талабалик даврида ўқув амалиётини корхонанинг МЭЦ, Аммиак- 3 цехларида ўтади. Битирув олди амалиёти ва диплом лойиҳасини Аммиак-3 цехида I-босқич СО конверция мавзуси бўйича аъло баҳога ёқлади. 2006 йили институтни тамомлаб 1 августдан ҳаво ажратиш қурилмасида 3-разрядли қурилма мутахассиси лавозимида иш бошлади. 2009 йилда 6 разрядга топшириб қурилма катта мутахассиси вазифасида иш бошлади. 2011 йилдан смена бошлиғи лавозимида иш фаолиятини давом эттирди. 2017 йилдан буён ҳаво ажратиш цехида технология бўйича бошлиқ ўринбосари сифатида ишлаб келмоқда. Шу йиллар давомида бир неча шогирдлар тайёрлади. 2018 йилда Англиянинг EPS компанияси билан ҳамкорликда AFPLA-17000 жиҳози қурилиш-монтаж ишларида фаол қатнашиб, хитойлик ҳамкорлардан билим ва амалий кўникмаларни олишга ҳаракат қилди. 2019 йилда "Farg'onaazot" АЖнинг бир гуруҳ ходимлари билан бирга Хитой Халқ Республикаси Шанхай провинцияси Сунжу шаҳрида бўлиб, янги қурилаётган жиҳозлар мутахассисларидан амалий билимларни олиб қайтди.

2019 йилда цех бошлиғи У. Султонов, ишлаб чиқариш ва мувофиқлаштириш бўйича етакчи мутахассис М. Меликўзиев билан биргаликда I-ишлаб чиқариш ҳудудини арзон ва сифатли техник ва КИП ҳавоси билан таъминлаш бўйича иш олиб борилди. Натижада бутун ҳудудни техник ва КИП ҳавоси билан таъминлашга эришилди. 2020 йилнинг март-апрель ойларидан маҳсулот таннархини тушириш ва тайёр маҳсулотлар сонини кўпайтириш мақсадида цех бошлиғи Н. Ваҳобов, УНТР бўлим бошлиғи Р. Усмонов билан биргаликда суюқ кислород реализацияси йўлга қўйилди. Ҳозирда эски ускуналарни модернизация қилиш устида иш олиб борилмоқда.

Корхонанинг яна бир умидли мутахассиси Жаҳонгирхон Абдуқодиров 1985 йили Марғилон шаҳрида таваллуд топган. 2009 йили Фарғона политехника инситути кимё технология факультетини томомлаб, "Farg'onaazot" АЖнинг АС-72М цехига натрий нитрат ускунаси назоратчиси бўлиб фаолият бошлади. 2011 йилдан Буғ-қозон цехида машинист назоратчи, 2014 йилдан оператор, 2016 йилдан эса катта оператор ҳамда 2018 йилдан Буғ-қозон бўлими устаси бўлиб ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида ҳамиша янгиликка интилиб, иннновацион ғоя ва технологияларни амалиётга жорий этишга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда цехда пар ишлаб чиқариш жараёнида иситиш қозонларида газ сарфини камайтириш мақсадида таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Ўз навбатида иситиш қозони қурилмасидаги калорифер блокини иссиқ сув орқали иситилиши яхши натижа бермаганлиги сабабли уни парга ўтказишга қарор қилинди. Натижада йилига 1 766 730 м^3 газни иқтисод қилишга эришилади.

— Калориферга берилган пар, табий газнинг ёниши учун бериладиган ҳавони иситиб, иссиқлигини бериб бўлгач ҳосил бўлган буғ аралаш сув иситиш қозонига келаётган сувни иситиш учун қайта ишлатилади, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ундан сўнг сув қайта ишлашга йўналтирилади. Бундан ташқари, АС-72М ва АК-72М цехларидан қайта олинаётгган буғ аралаш сувни кимёвий тозалаш бўлимига тескари осмос қурилмаси қайта ишлаш учун йўналтирилмоқда. Бунинг натижасида технологияга сарфланаётган сувни иқтисод қилиб кимёвий тозаланган сувни таннархини туширишга эришмоқдамиз.

Албатта, муштарак мақсадлар — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлидаги бундай фидойилик ҳар қанча шарафга муносибдир. Ишонамизки, корхонада ёш мутахассислар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар яқин истиқболда ўзининг ҳаётбахш самараларини кўрсатади.

Р. МАМАЖОНОВ.

Корхона иссиқхоналари:

САМАРАЛИ МЕҲНАТ, ДАРОМАД ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Шу йилнинг 8 апрель куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандилиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Айни жиҳатлардан инобатга олган ҳолда корхона ишчи-хизматчиларининг шахсий томорқа ерларидан мақсадли фойдаланишини ўрганиш мақсадида жамоатчилик асосида мониторинг ишлари ташкил этилди.

Маълум бўлишича, 4259 нафар ишчи-хизматчиларнинг 257,9 гектар томорқа ери мавжуд. Бу майдонларга кундалик зарурий озиқ-овқат ва сабзавот экинлари экилиб, парвариш қилинмоқда.

Шу тариқа ишчи-хизматчилар томорқаларидан иш ҳақидан ташқари 9 миллиард 63 миллион сўм қўшимча даромад олиниши ҳисоб-китоб қилинди. Натижа 4 мингдан ортиқ оилада озиқ-овқат маҳсулотлари барқарорлиги таъминланиб, бозорларимизда нарх-наво арзон бўлишига эришилади.

Ўз навбатида корхонанинг 26 та цехида 1 гектар 24 сотих майдонга эга иссиқхоналарда 29 тонна помидор, 26 тонна бодринг, салкан 2 тонна аччиқ қалампир, 4 тоннадан зиёд лимон, 6,5 тоннага яқин булғор қалампири етиштириш ва ишчи-хизматчиларга етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, корхонанинг саноат зонаси ҳудудидаги 6,5 гектар ерда турли сабзавот экинлари етиштириш режалаштирилди.

БИЗ БИР ОИЛАДЕК, АҲИЛ-ИНОҚМИЗ

Абдуманнон МАМАЮСУПОВ,
Ацетат тола цехи бошлиғи.

—Айни пайтда цехимизда 4 бош қорамол, 64 бош қўй, 300 бош товуқлар парваришланмоқда. Байрамларда қўй ва мол гўшти, тухум ишчиларга тарқатилади. Бунинг учун корхонада озуқа базаси ҳам яратилган бўлиб, беда экилган. Цех атрофидаги ўтлар йиғилиб, қишга қўшимча озуқа захираси ҳам тайёрланади.

Ҳозирги кунда биз ўз иссиқхоналаримиздан ташқари яна қўшимча лимонарий қурдик. Янги иссиқхонада 100 туп лимон экилди. Бугунги кунга қадар ишчи-ходимларимизга картошка, помидор тарқатдик. 500 кг картошка тарқатишни кўзлаб қўйганмиз. Бу сабзавотларни карантин вақти бўлгани боис бепул тарқатдик. Ишчи-ходимларимиз ўзларини иштиёқлари билан участка ерларимизда ишлайдилар, ўзлари бирор бир экинлар экиш таклифларини киритадилар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам йиғиб уйларига олиб кетадилар.

Бизда ҳаммаси бўлиб 4 та иссиқхона мавжуд. Очиқ ерларимиз эса 4 гектардан ортиқ. Мева дарахтларидан анор, ўрик, олча, гилос, ёнғоқ, тутлар бор.

ҲАР БИР ХОДИМ ОИЛАСИ ЭЪТИБОРДА

Қобилжон УМАРОВ,
Қоп ишлаб чиқариш цехи бошлиғи.

— Айни пайтда цехимизда иккита иссиқхона мавжуд бўлиб, бирига бодринг экилиб бодринг ва кўк пиёз арзон нархда ишчи-ходимларга тарқатиб берилди. Иккинчи иссиқхонада аччиқ қалампир, лимон, турли хилдаги кўкатлар парваришланади. Бизга бириктирилган очиқ ерларимизга эса помидор, оқ ловия, мош, маккажўхори ва оқ маккажўхори экилган. 20 туп олма кўчати ҳам бор. Экинлар парвариши аъло даражада. Цехимиз ишчи-ходимларига, айниқса, карантин вақтида жуда арзон бўлган маҳсулотларимиз жуда манзур бўлмоқда. Бундай аҳиллик коронавирус пандемияси шароитида цехимизнинг ҳар бир ходими оиласи эътиборда бўлиб, иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

ШУ ЖАМОАДА ЭКАНЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Заводда 39 йилдан бери фаолият юритиб келаётган Холида опа Атаханова шу цехда тозаловчи лавозимида ишлаб келади. Меҳр билан экинларни парвариш қилаётган тажрибали ҳамкасбимизни суҳбатга чорладик.

— Иссиқхонада ободонлаштириш ишлари билан шуғулланиб келаман. Меҳнатларимиз самараси сифатида пишган помидор ва аччиқ қалампир ишчи-хизматчиларга тарқатилмоқда. Очиқ ерларимизга картошка, қулупнай, ерёнғоқ, қизилча, ошқовоқ, турли хил кўкатлар экканмиз. Такрорий экин сифатида пиёз экамиз ва у ҳам ишчиларга бепул тарқатиб берилади.

Бўш вақтимизда иссиқхонадаги лимонларни томоша қилиб, кайфиятимиз кўтарилади ва чарчоқларимиз унутилади. Бизда ҳаммаси бўлиб 4 та иссиқхона мавжуд. Очиқ ерларимиз эса 4 гектардан ортиқ. Мева дарахтларидан анор, ўрик, олча, гилос, ёнғоқ, тутлар бор.

Ҳар йили ишлаб чиқариш корхоналарида томорқадан унумли фойдаланиш орқали озиқ-овқат заҳираси яратилади бу эса биз каби ишчиларга бир қатор қулайликларни яратмоқда,- дейди Хўжалик цехи кўкаламлаштирувчиси Хокимжон Абдуллаев.- Бизнинг корхонамиз томонидан кам таъминланган ва серфарзанд боқувчисини йўқотган ҳамда карантин пайтида қийналганларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ацетат толалар цехида картошка, помидор, булғор қалампири, ловия, макка, ошқовоқ, бақлажон ва барча хўжалик учун зарур бўлган экинлар экилди. Яратилаётган шароитлардан мен каби барча ишчи-ходимлар мамнун бўлмоқдалар.

КОРХОНАМИЗДА ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



«Farg'onaazot» корхонасида ёш кадрларни ва мутахассисларни зарурий илмий-техник адабиётлар билан таъминлашга доим катта эътибор қаратиб келинган. Завод илмий-техник ривожланиш бўлими қошида узоқ йиллардан буён катта кутубхона фаолият юритиб келади. Шу билан бирга, замонавий ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда жорий йил бошидан завод ички локал тармоғи доирасида ишлайдиган электрон илмий-техник кутубхонаси ҳам иш бошлади. Кутубхонада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, барча касб соҳаларига оид илмий адабиётлар, луғат ва энциклопедиялар жой олган. Шунингдек ўзбек ва рус тилидаги бадиий адабиёт намуналарининг ҳам жуда катта электрон базаси яратилган. Ҳозирда электрон кутубхона базасида 12587 та турли жанрдаги илмий, бадиий ва техник адабиётлар мавжуд. Бундан ташқари, кутубхона платформасида керакли адабиётни қидирув функцияси, завод телефон тармоғи маълумотномаси, об-ҳаво маълумотлари, валюталар курси сингари қўшимча маълумотлар жой олган. Даврий равишда, мутолаа учун тавсия сифатидаги китоблар шарҳи, ҳамда, муаллифлар ҳаёти ва ижоди борасидаги мақолалар жойланмоқда.

Кутубхонадан фойдаланиш учун корхона ички локал компьютер тармоғига кириш имкони бор ходимлар электрон кутубхонага браузердан http://192.168.7.201/dlibrary манзили орқали кириб фойдаланишлари мумкин. Ҳозирда кутубхонага кириш имконияти эски ва янги завод бошқарма биноларидаги тармоққа уланган барча компьютерларда, ҳамда, Аммиак-3, ХМД, Карбамид, Сода, Ҳаво ажратиш цехи, Алоқа цехи, хўжалик цехи, Лаборатория цехларининг тармоққа уланган компьютераларида мавжуд. Бошқа цехларнинг ҳам завод ички тармоғига уланиши билан, электрон кутубхонага кириш имконияти пайдо бўлади.

Кутубхона базаси тўлдирилишда давом этмоқда ва янги қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва чоп этилган адабиётлар киритиб борилмоқда. Ҳусусан, куни кеча қабул қилинган, COVID-19 эпидемияси муносабати билан жорий этилган Санитария қоидалари ва меёрий ҳужжатларининг тўлиқ матни электрон кутубхонанинг "Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар" бўлимига жойлаштирилди.

Музаффар ҚОСИМОВ,
ТЖБТА бўлими бошлиғи.

Ҳушёрлик – кунда керак!

КИЧИК ҲАЖМЛИ КЕМАЛАРДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Маълумки, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифалари этиб табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ёнғин хавфсизлиги, сейсмик кузатувлар, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш, сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланган.

Бу мақолада республикамизда кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш ва назорат қилиш қандай тартибда амалга оширилиши ҳақида сўз юритилган.

Айнан шу мавзуга эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Юртимизда кунлар исий бошлагач, аҳоли ўртасида сув ҳавзаларига интилиш истаги кучаяди. Айниқса, йирик сув ҳавзаларида қайиқларда, гидроцикларда, катамаранларда сайр қилиш барчага бирдек ҳузур бағишлайди.

"Фалокат оёқ остида" деганларидек, сайр қилмоқчи бўлган қайиқлар хавфсизлик талабларига жавоб берадими, унга фарзандларингизни чиқариб чўқур сув ҳавзалари, мисол учун, сув омборида сайр қилишга ишончимиз комилми, қандай қайиқлардан фойдаланиш хавфсизроқ? Афсуски, кўпчилик ҳамюртларимиз бу саволларга жавобни ўйлаб ҳам кўрмайди.

Ўзбекистон Республикасида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кичик ҳажмли кемаларни рўйхатга олиш, техник кўрикдан ўтказиш, улардан фойдаланишга рухсат бериш ҳамда кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кичик ҳажмли кемаларни назорат қилиш инспекцияси (Инспекция) томонидан амалга оширилади. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли буйруқлари билан "Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари", "Кичик ҳажмли кемаларни техник кўрикдан ўтказиш қоидалари" ва "Кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидалари" тасдиқланган.

Мазкур қоидаларга мувофиқ, кичик ҳажмли кема деб - асосий двигателларнинг қуввати 55 кВт (75 от кучи) ва йўловчи сиғими 12 кишидан ортиқ бўлмаган ўзиюрар кемалар, моторларнинг қуввати ва сонидан қатъий назар, осма моторли кемалар, сув мотоцикллари (гидроцикллар), юк кўтариш қобилияти 80 регистр тоннадан ортиқ бўлмаган ўзи юрмас кемалар, шишириладиган моторсиз эшкакли қайиқлар ҳисобланади.

Инспекция томонидан рўйхатдан ва техник кўрикдан ўтмаган кемалардан фойдаланиш тақиқланади. Қоидаларнинг биринчи талабига асосан, қуйидаги кемалар давлат рўйхатидан ва техник кўрикдан ўтказилиши шарт:

Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш учун Инспекциянинг вилоятлардаги ҳудудий инспекторларига тасдиқланган шаклдаги ариза ва кемага тегишли ҳужжатлар билан мурожаат этилади. Мурожаатга асосан, инспектор томонидан кеманинг ҳужжатлари ва бевосита кеманинг ўзи ўрганиб чиқилади. Кеманинг ҳолати ҳужжатда кўрсатилган барча хавфсизлик талабларига жавоб берса, белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

Кемани техник кўрикдан ўтказишда унинг юк кўтариш қобилияти, йўловчиларнинг максимал сиғими, двигателнинг ҳолати, қуввати, бортнинг ҳолати, қутқарув воситалари, ўт ўчиргич, сигнал чироқлари ҳамда ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган жиҳозлар тўлиқлиги текширилади.

Кичик ҳажмли кемалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 119-моддасига мувофиқ, кемани вақтинча олиб қўйилиши ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

А. АППОНОВ,
И. МАДУМАРОВ,
Фарғона вилояти ФВБ ходимлари.

"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати:

АДОЛАТ ВА ШАФФОФЛИК— БОШ МЕЗОН

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 20 апрель кунги видеоселектор йиғилишида "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббуси билан чиқди.

Бу ташаббус корхонамиз ишчи-хизматчилари томонидан маъқулланди. Ўтган вақт мобайнида корхонамиз томонидан вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси Фарғона шаҳар бўлими ҳисоб-рақамига 600 миллион сўм, Марғилон шаҳар бўлимига 750 миллион сўм, уруш ва фронорти меҳнат фахрийларига 33 миллион сўм, "Табассум" ва "Кимёгар" МФЙнинг ижтимойи ҳимояга муҳтож оилаларига 9 миллион сўм, 18 ёшгача фарзандаларини ёлғиз тарбиялаётган 36 нафар аёлларга 25 миллион сўм, кўп болали оиларга 27 та оилага 18 миллион сўм, ижтимоий ҳимояга муҳтож пенсионерларга 39 миллион сўм, 114 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга корхона раҳбарияти томонидан 15 миллион сўм, умуман олганда 1 миллиард 504 миллион сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Ўтган даврда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ва тегишли ташкилотларга 130 миллион сўмдан ортиқ беғараз моддий ёрдам берилди. Бу борада адолат ва шаффофлик бош мезон бўлишини таъминлаш мақсадида маъмурият ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари хулосаси асосида кам таъминланган, ногирон фарзандларни тарбиялаётган, ногирон касаначи хотин-қизларга, умумий ҳисобда 364 нафар муҳтож оилаларга моддий ва бошқа кўмак бериш чоралари кўрилмоқда.

Шу тариқа корхонамизнинг кўп минг сонли аҳил-иноқ жамоаси мамлакатимиз миқёсида миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг тарзда ташкил этилган "Хайрия ва кўмак" умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этмоқдалар.

ДОБРЫЕ ИНИЦИАТИВЫ – ЗАЛОГ РАЗВИТИЯ

Как известно, 5-6 июня этого года Президент Шавкат Мирзиёев посетил Ферганскую область, где ознакомился с жизнью людей и ходом реформ, проводимых в регионе. В ходе визита Президент высоко оценил реформы в сельском хозяйстве, в сфере предпринимательства, строительства и образования.

Глава государства отметил, что реформы направлены на дальнейшее развитие отраслей экономики, благополучие народа. Состоялись презентации проектов, которые будут реализованы в нашей области в ближайшее время, в ходе которых Президентом был выдвинут ряд инициатив. Отмечалось, что переход на новый стиль работы, основанный на предприимчивости и отвечающий современным критериям, - основа экономического развития и процветания.

КАЖДЫЙ ИЗ НАС ДОЛЖЕН БЫТЬ РЕФОРМАТОРОМ

На второй день визита главы нашего государства, в Фергане состоялась встреча с участием хокима области и районов, руководителей отраслей, секторов, представителей общественности.

— Наш уважаемый Президент выдвинул ряд инициатив, которые будут служить нам важными ориентирами в нашей деятельности, **— сказал пресс-секретарь АО « Farg'onaazot» Бобур Муминов.**

Как отметил Президент, еще в недавнем прошлом слово «бедные» считалось ошибкой или позором. Бедность не замечали, о ней не говорили, словно ее не существовало. Сегодня ситуация изменилась. И Президент призывает к сокращению бедности всеми возможными мерами. В этом вопросе определен ряд приоритетов.

В ходе встречи также подчеркивалось, что в Ферганской области приняты масштабные меры для того, чтобы вывести 23 тысячи семей из нищеты. Кроме того, даны соответствующие указания по привлечению 14 тысяси семей к малому бизнесу, обеспечению занятости и расширению семейного бизнеса.

На совещании Президент отметил реализацию в Ферганской области инициативы «Предприниматель-реформатор». Суть инициативы «Предприниматель-реформатор» заключается в предоставлении еще больших возможностей представителям сферы и повышении их ответственности. Заместитель Премьер-министра, председатель Торгово-промышленной палаты, Бизнес-омбудсман, хоким Ферганской области один раз в месяц в онлайн-режиме будут проводить диалог с предпринимателями и решать волнующие их проблемы, потому что сколько бы ни предоставлялось льгот, какие бы условия ни создавались, все равно возникают проблемы в получении кредита, экспорте, подключении к инженерным сетям. Бизнес-омбудсману необходимо находиться в Ферганской долине три месяца, посещать каждое предприятие, беседовать с каждым предпринимателем и давать рекомендации по усилению гарантий закона.

На совещании также были определены задачи по жилищному строительству, улучшению сетей питьевого водоснабжения и канализации.

Во время своего пребывания в области, глава нашего государства обратил внимание вопросам повышения уровня знаний молодежи, интереса к профессии, подготовке современно мыслящих кадров.

- Для любого общества, народа вполне естественно представить будущее страны в образе нового, гармонично развитого поколения. К счастью, сегодня такое поколение растет и вступает в великую жизнь, - говорит пресс-секретарь предприятия Бобур Муминов.

С праздником!

За годы независимости Узбекистан резко возросла активность граждан страны в жизни общества, их политические сознания. В связи с этим увеличился спрос и требования, предъявляемые к свободной печати, основанной на демократических принципах граждан Узбекистана. Это отражено и закреплено в Законе Республики Узбекистан от 10 января 1998 года «о задачах массовой информации» также других материалах, направленных на улучшение работы печати и массовой информации.

Ежегодно, 27 июня в нашей стране широко отмечают день печати и массовой информации. Свой профессиональный праздник встречают вместе со всеми работниками предприятия коллектив газеты «Кимёгар», которая существует более 40 лет, освещая в своих страницах о строительстве и развитии национального богатого трудовыми и культурными традициями коллектива.

И в том, что газета «Кимёгар» находится в гуще всех событий, происходящих в акционерном обществе, является живым и интересным собеседником неоценимая, большая роль принадлежит рабочим корреспондентам, активным помощникам газеты, тем, кто, добросовестно трудится на своих рабочих местах и непосредственно участвуют в жизни трудового коллектива. Газета всегда была и есть другом и советчиком заводчан, и она является зеркалом, то есть отражением жизни предприятия.

Я счастлив, что являюсь частицей газеты «Кимёгар», потому что сотрудничаю с ней с первого номера газеты, где была напечатана моя статья «Сўзимиз қатъий». Находясь на заслуженном отдыхе продолжаю сотрудничат с газетой "Кимёгар". Мои статьи часто печатаются на страницах заводской газеты, надеюсь и в дальнейшем поддерживать тесную связь.

Пользуясь случаем хочу сердечно поздравить работников газеты "Кимёгар", общественных корреспондентов, весь коллектив предприятия с Днем печати и средств массовой информации. Пожелаю всем крепкого здоровья, семейного и личного благополучия, новых трудовых успехов. Работникам редакции новых, плодотворных успехов в журналистической деятельности.

Мухаммад МАХМУДОВ,
ветеран труда.

ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ – В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ

Служба подготовки и повышения квалификации кадров совместно с управлением научно-технического развития разработала план мероприятий по подготовке и повышению квалификации кадров и Положение.

2020 год у нас в стране объявлен Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики. В связи с этим, повышению уровня подготовки и переподготовки кадров на нашем предприятии уделяется пристальное внимание. Создана учебная программа с учетом особенностей реального рабочего места, так как современное производство предъявляет быстрорастущие требования не только к машинам, оборудованию и технике, но и прежде всего к самим работникам, которые ими управляют.

Предприятие ставит перед собой задачи по подготовке новых рабочих на производстве, профессиональному обучению лиц, ранее не имевших работу и профессию. В то же время идет разработка годовых комплексных планов по обучению в следующих направлениях:

— Повышение квалификации на производственно-технических курсах.

— Обучение второй профессии с целью совмещения профессий и рациональной организацией труда.

— Подготовка рабочих, не имеющих опыта работы или необходимой квалификации, то есть вновь принятых и переведенных из других подразделений (стажировка).

Комплексным планом предусмотрены, в основном, следующие формы обучения: индивидуальная форма обучения и групповая. ПТК (производственные технические курсы) создаются для повышения квалификации, углубления и расширения знаний, навыков и умения рабочих до уровня, соответствующего требованиям производственного процесса.

Групповая форма обучения будет проводиться для группы в составе от 10 до 30 человек, продолжительностью до 6 месяцев без отрыва от работы с применением учебно-наглядных пособий, дидактических материалов и технических средств обучения. Предприятие обеспечило учебными материалами, а также доступ к научной, технической и публичной информации – неотъемлемой части обучения.

Для лиц, прошедших курсы повышения квалификации, проводится экзамен для определения повышения уровня по итогам обучения.

Предприятие также осуществляет подготовку перспективных инженерно-технических кадров и повышает их квалификацию. В цехах создается группа перспективных и инициативно-технических кадров с высшим образованием по соответствующим специальностям, обладающих знаниями по вопросам социального, политического и экономического характера.

Для их подготовки и переподготовки разрабатывается единая система обучения:

— создается современный учебный центр;

— утверждается список преподавателей из числа высококвалифицированных специалистов УНТР, ОКП и Л, служб главных специалистов, экономики и юридического права.

— На предприятии также идет подготовка резерва руководящих кадров, для чего в крупных производственных цехах формируется группа специалистов, обладающих самостоятельным мышлением и широким кругозором в области науки и техники. Дополнительное обучение ведется с целью назначения их в будущем на более ответственные должности путем обучения на различных курсах повышения квалификации по направлениям узкой специализации, – **говорит Номонжон Махкамов, начальник отдела подготовки и повышении квалификации кадров.**

— Современные социально-экономические условия требуют, чтобы молодые кадры стали наиболее экономически активными членами общества, — **говорит начальник УНТР Умидилло Миллабаев.** — Благодаря финансовой поддержке АО «Farg'onaazot», молодые специалисты имеют возможность повысить свои знания в высших учебных заведениях.

По словам Умиджон Исматиллаевича, у нас в обществе разработана программа мероприятий по подготовке и переподготовке кадров. Наша молодежь учится в Московском химико-технологическом университете имени Д.Менделеева, Томском политехническом университете, Ферганском политехническом институте и в филиале Ташкентского университета информационных технологий. Это молодые специалисты, поступившие на учебу после 5-летней работы на нашем предприятии. После окончания вузов они, как правило, продолжают работать на родном предприятии. Отмечу, что в настоящее время в Ферганском политехническом институте обучаются 28 молодых работников пердприятия, в Ферганском филиале Ташкентского университета инфрмационных технологий – 3, в Томском политехническом униврситете - 30.

Упомянутым выше Положением предусмотрена современная методика повышения профессиональных навыков и проверки знаний, что обеспечивает эффективность программ обучения. Мониторинг работы, касающейся повышения квалификации, проводит отдел подготовки и повышения квалификации кадров.

Летние каникулы – в «КИМЁГАРЕ»!

Лето. На дворе жарко, и детям хочется, поиграть в разные игры, заниматься спортом, одним словом, наслаждаться летом. Как никогда, им хочется поехать куда-нибудь за город и отдохнуть, с пользой провести каникулы.

Фотоархив 2019

Детский оздоровительный лагерь «Кимёгар» готов принять первую группу юных отдыхающих: здесь все готово к их приему. Новость об открытии лагеря стало настоящим событием, как для детей, так и родителей - работников нашего предприятия.

Профком уже распределил путевки в «Кимёгар», где все готово для начала нового сезона. Но для создания условий, отвечающих требованиям карантина, руководству нашего общества пришлось приложить немало сил и средств.

Хотела бы особенно отметить, столовую лагеря. В настоящее время на отремонтированной кухне повара цеха рабочего питания предприятия готовят меню для приготовления более полезных, вкусных, обогащёнными витаминами блюд для здорового роста детей в течение 4 сезонов. Под руководством повара-бригадира Камолдина Бекмурдова каждый год повара столовой готовят разнообразные блюда, компоты из свежих фруктов общества, салаты и десерты. Ребятишки ДОЛ «Кимёгар» каждый год наслаждаются этими блюдами. Родители также очень довольны персоналом кухни.

— Наш лагерь всесторонне готов к сезону, и в первую смену у нас отдохнут 170 детей, - говорит начальник ДОЛ «Кимёгар» Максаджон Холикназаров. – Всего за весь летний период у нас отдохнут 700 детей. Незадолго до открытия сезона были отремонтированы корпуса девяти отрядов, здание санчасти, комната для персонала, столовая. Мини-стадион и спортивная площадка приведены в порядок, вывешены плакаты, газоны подстрижены. Наш лагерь будет работать при строгом соблюдении санитарно-гигиенических правил, ведь карантин еще не отменен.

— В нашем лагере созданы благоприятные условия для хорошего отдыха, восстановления сил и полезного времяпрепровождения детей, - говорит старший вожатый лагеря, методист по духовности и просветительству ДК «Химик» Умиджон Азимов. – Нашему детскому оздоровительному лагерю, распложенному в живописном уголке природы, более 10 лет. Мы позаботились о том, чтобы дети наших работников провели летние каникулы интересно, с пользой для себя. К их услугам – кружки, библиотека, спортплощадки…

Распорядок дня разработан с учетом ситуации, сложившейся в связи с коронавирусной пандемией. Работать лагерь будет в соответствии с протоколом Республиканской координационной группы № 26 от 26.05.2020 года «Организация детских летних лагерей в карантинный период» за № 26 от 26 мая 2020 года.

Работать с детьми в лагере будет команда опытных педагогов во главе с опытным учителем Саодатхон Муминовой. Профком обеспечил лагерь канцелярскими товарами и другими необходимыми предметами, которые пригодятся при организации увлекательных культурно-просветительских мероприятий с участием детей. Словом, мы постарались, чтобы пребывание в лагере стало незабываемым, веселым и интересным.

Заместитель начальника по ОТ, ТБ и пожарной безопасности Тимур Салимов рассказал о подготовке лагеря с точки зрения безопасности.

— Перед началом сезона мы осмотрели лагерь «Кимёгар» на предмет пожарной безопасности. Обследовали здания и сооружения, экстерьер и интерьер, а также территорию лагеря, пожарную сигнализацию, противопожарные щиты, электропроводку. Проверили, очищена ли территория лагеря от сухой травы, есть ли специальные плакаты, пропагандирующие пожарную безопасность, в порядке ли средства пожаротушения.

Все недостатки в лагере устранены, и сегодня мы с уверенностью можем утверждать, что лагерь готов к новому сезону. Но на этом наша работа не заканчивается: в период всего летнего сезона наши работники продолжат проверку в лагере «Кимёгар». Кроме этого, мы планируем регулярные учебные тренировки, а также соревнования «Юный спасатель», «Юный пожарный», чтобы помочь детям освоить правила безопасности.

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.

2020 год в Узбекистане объявлен Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики. Являясь высокоавтоматизированным предприятием, в этом году АО «Farg`onaazot» усилило меры по цифровизации различных процессов, включая ведомственный электронный документооборот e-ijro, электронную библиотеку bilim.azot.uz, системы автоматизированного оповещения членов оперативного штаба (GZ) и бухгалтерского учета в системе 1С.

ЦИФРОВИЗАЦИЯ ПРОЦЕССОВ И ЭЛЕКТРОННЫЙ ДОКУМЕНТООБОРОТ

С начала года со стороны специалистов Управления ИКТ, АСУ ТП и Метрологии, по направлению внедрения цифровых технологий, осуществлен ряд мероприятий. Например, выполнен обхват высокоскоростной оптоволоконной сетью нескольких цехов, в том числе, цеха Разделения Воздуха, НХС, Складских хозяйств, ХМД и Карбамида. Это позволяет работникам данных цехов получить доступ во все внутренние информационные ресурсы завода, включая электронную библиотеку, системы документооборота и интернета.

В целях экономии времени, предотвращения бюрократии и автоматизации въезда на территорию предприятия мы планируем заменить постоянные разрешения на магнитные карты, то есть достаточно будет приложить магнитную карту на турникет, после чего откроется допуск на территорию. Это также упростит задачу ведения табельного учета и рабочего времени, так как уже на централизованном сервере осуществляется автоматически расчет трудовых часов, исходя из поступающих цифровых данных с турникетов. В данное время, со стороны специалистов Управления ИКТ, АСУ ТП и Метрологии, разработано Техническое Задание и ожидается закуп соответствующего оборудования.

Зухриддин СОДИКОВ,
начальник управления ИКТ, АСУТП и Метрология.

О ВАЖНОСТИ ДНЯ РАБОТНИКОВ ПЕЧАТИ И СМИ

В стране проводится масштабная работа по дальнейшему усилению роли и влияния средств массовой информации в реализации демократических реформ. За последние годы в нашей стране принято около 10 законов, касающихся деятельности СМИ, в ряд законодательных актов внесены соответствующие изменения и дополнения. В Узбекистане за годы независимости количество средств массовой информации увеличилось в 3,5 раза и составляет сегодня свыше 1400 наименований, кардинально улучшена их материально-техническая база.

Ежегодно, начиная с 1994 года, 27 июня в Узбекистане отмечается День работников печати и средств массовой информации. Этот профессиональный праздник был учрежден Указом Первого Президента Ислама Каримова «Об установлении Дня работников печати и средств массовой информации Республики Узбекистан» от 24 июня 1993 года. Именно 27 июня 1906 года вышел в свет первый номер первой газеты на узбекском языке «Тараккий», оставивший яркий след в истории национальной прессы.

Согласитесь, в суете будней невозможно представить свою жизнь без информации, новостей, событий, о которых мы узнаем из печати, радио и телевидения. В нынешний век глобализации журналистика Узбекистана, без преувеличения, вступила в новую эру, давшую толчок информационному прогрессу и внедрению передовых технологий, Интернета и свободы мышления.

Активна деятельность СМИ и в АО «Farg'onaazot». Нести людям социально значимую информацию, чтобы журналистское слово служило созиданию, добру, справедливости, - в этом видят свое главное предназначение представители СМИ нашего предприятия. Перед ними сегодня стоит важная задача - соответствовать высокому статусу журналистов-профессионалов, умеющих на практике применять свою квалификацию, широкий кругозор и глубокие знания. Мы стремимся честно и объективно рассказывать в своих материалах обо всех процессах, как в производственной, так и в социальной сферах.

В настоящее время многотиражная газета «Кимёгар» освещает колоссальные изменения, происходящие на нашем предприятии и, не проходя мимо негативных сторон общества, демонстрирует многолетний опыт и знание своего дела в этой области.

Основные критерии деятельности СМИ общества – оперативность, правдивость и достоверность, отправная же точка – сбор информации, предоставляемая компетентными представителями служб и подразделений общества. Наряду с традиционными средствами массовой информации, на предприятии динамично развивается также интернет-журналистика. Успешно функционирует на заводе веб-сайт www.azot.uz, способствующий обогащению нашего информационного пространства, оказывает интерактивные услуги предприятиям и субъектам малого бизнеса и частного предпринимательства.

Сухробжон НУМОНОВ.

Интервью с известной кинозвездой.
Журналист:
- Почему вы влюбляетесь только в богатых мужчин?
- О! Как Вы ошибаетесь! Я люблю весёлых мужчин, но среди бедных они - редкость.

Сидят в бане трое: — Директор пивзавода, журналист и землекоп. И у каждого до колен... — У директора — живот, у журналиста — язык, у землекопа — руки...

— Вы сегодня на уроке химии что дела- ли?
— Не знаю, как остальные, а я — динамит.
— Сильно… А домашку задали?
— Да как-то не успели…

— Ах ты чучело углеродное! — воскликнула учительница химии, увидев своего сына, перепачканного сажей.

Мой молодой человек записан у меня в телефонном справочнике как «ОН». У меня звонит телефон, брат приносит мне его и говорит:
— Тут тебе какой-то гидроксид звонит!

***

— Это правда?
— Нет, это новости.

ЭФФЕКТИВНО ИСПОЛЬЗУЕТСЯ КАЖДЫЙ УЧАСТОК ЗЕМЛИ

Каждый год, как только начинается весна, подразделения и цеха нашего предприятия начинают заниматься высадкой саженцев деревьев, посадкой рассады в теплицах, озеленением территории. Все эти работы, безусловно, выполняются ради благополучия наших работников. Ведь урожай, собранный в теплицах и выращенный на открытом грунте – зелень, помидоры, огурцы и другие овощи реализовывают работникам по низким ценам или раздают абсолютно бесплатно.

С марта месяца началась раздача плодов, выращенных в теплицах цехов. Бесплатные продукты питания оказались как нельзя кстати в период карантина.

На предприятии стараются эффективно использовать каждый клочок свободной земли. Во исполнение постановления правительства об эффективном использовании земли на приусадебных участках и в дехканских хозяйствах, на нашем предприятии освоены новые участки земли, ранее не использованные. После обработки, они были засажены фруктовыми деревьями. На них выращиваются овощные культуры и цветы.

Чтобы ознакомиться с работой тепличных хозяйств цехов, побывала в нескольких теплицах цехов. Теплицы цеха по производству аммиачной селитры очаровали чистотой и порядком, главное, зеленью интенсивно растущих культур. уходом в теплицах цеха. Было очевидно, что здесь уход был обеспечен каждому овощу, каждому саженцу, каждому кусту цитрусовых.

Мы поговорили с начальником цеха Азизбек Ахунджановым о теплицах и земельных участках цеха:

— Нынче нам удалось вырастить 2 тонны огурцов, урожай которых мы распределили среди наших работников. Планируем собрать еще 1 тонну этих овощей. Но, в тепличных условиях мы выращиваем не только огурцы, но и клубнику, дыни и мандарины. Кроме того, у нас 2 лимонных деревца, с которых в прошлом году собрали 50 килограммов плодов, и в этом году рассчитываем получить с них не менее этого количества урожая. Есть у нас вишневые, грушевые, персиковые деревья, яблони, забота о которых является нашей второй обязанностью.

В последнее время глава нашего государства принял ряд постановлений, направленных на эффективное использование земельных участков, посевных культур на каждом участке. Исходя из этого, мы приступили к освоению свободных участков земли с тем, чтобы выращивать на них плоды и овощи. Так, на них мы высадили томатную рассаду и болгарский перец в количестве 600 и 400 штук соответственно, а также много капусты и тыквы.

В приусадебном участке цеха получают высокий урожай как овощных, так и плодовых культур. Это связано прежде всего с трудолюбием работников цеха. Большой эффект дают и удобрения собственного производства.

— Тепличное хозяйство служит одновременно опытным полем для испытаний удобрений, выпускаемых нашим предприятием. Это, в основном, суперфосфат, КАС, мочевина, применение которых способствует повышению урожайности, — говорит Азизбек Расулович.

По поручению председателя правления общества, сотрудники цеха - базы оборудования во главе с начальником цеха Махаммаджоном Худойбергановым, в апреле на участках цеха по производству мочевины посадили лук для работников предприятия. Эта овощная культура в общем заняла 2,20 гектара земли. Начальник цеха база оборудования назначен ответственным лицом за этим участком, поэтому он каждый день следит за ростом посевов. Руководит за работами по уходу за ними - поливом, прополкой, удобрением. В высеве семян лука большую помощь оказали работники цехов: по производству мочевины, выпуску полиэтиленовых мешков и хозяйственного цеха. В настоящее время за растениями присматривает наемный работник Абдуллажон Абдуганиев.

В цехе - база оборудования имеется большая теплица, и в этом году, как и каждый год, здесь выращиваются различные виды овощных культур, урожай которых распределяется среди работников по низким ценам или же бесплатно. Так, в мае работникам цеха реализовали 303 кг болгарского перца по низким ценам, а 50 кочанов капусты и зелень были розданы бесплатно.

— В настоящее время в наших теплицах мы выращиваем картофель и помидоры, а также дыни, арбузы, тыкву, бобовые и кукурузу. Каждое агротехническое мероприятие стараемся провести своевременно и качественно. В этом году мы посадили 120 саженцев хурмы и вишни. Как и каждый год, в этом мы бесплатно выдали работникам абрикосы. Нынче ожидаем богатый урожай миндаля. Думаем, что наши работники будут очень рады, когда мы раздадим им миндаль, — **рассказал начальник цеха Махаммаджон Худойбердиев.**

В распоряжении цеха Аммиак-3 три теплицы. В них выращиваются томаты — 1050 кустов и 33 куста лимона. Теплицы чистые и благоустроенные. **По словам начальника цеха Ойбека Зохидова**, урожай с теплиц в этом году очень помог рабочим в период карантина. Дело в том, что овощи реализовались по ценам, намного дешевле рыночных цен.

— Хотел бы подчеркнуть, что мы раздавали овощную продукцию бесплатно и в больших количествах семьям, нуждающимся в социальной помощи. Ни один работник не остался в стороне. Так, мы передали малообеспеченным более 2 тонн помидоров, а теперь планируем раздать еще 5200 кг урожая.

На открытом грунте возделываются 220 кустов томатов, 1200 кустов баклажана, 1200 кустов болгарского перца. На маленьких участках растут томаты, капуста и тыква. Из фруктовых деревьев у нас 5 абрикосовых, 20 яблонь, 2 ореховых дерева. Когда созреет урожай ореха, раздадим его работникам цеха.

— Суперфосфатом и мочевиной, которые производятся нашим предприятием, мы удобряем не все культуры, – добавляет начальник цеха Ойбек Тахирович.

Несмотря на то, что территория участков у нас большая, мы используем ее эффективно, – **говорит начальник цеха уксусного ангидрида и регенерации уксусной кислоты Анвар Мухторалиевич Маматкулов.** - Мы расширили дороги, находящиеся на заднем дворе цеха, благоустроили сам двор, посадили там декоративные деревья, цветы.

Земли ВОЦ-5 давно пустовали, но сейчас здесь дружно растут 70 саженцев сосны, а также китайские розы, ромашки. На открытом грунте выращиваем помидоры, болгарский перец, тыкву, горький перец, бобовые, зелень. На нашем участке растут почти все виды фруктовых деревьев: инжир, слива, гранат. Скоро они начнут плодоносить. Мы абсолютно бесплатно роздали работникам цеха яблоки, абрикосы, вишню. Этой весной высадили более 30 саженцев вишни и 20 саженцев ореха. Мы собираемся создать в ореховой роще интенсивный сад.

В этом году мы перешли на строгую экономию электроэнергии и пара при уходе за овощными и другими культурами. Вместо минеральных удобрений мы используем органическое – компост, который сами и готовим из скошенной травы. В будущем собираемся построить новую теплицу, ведь у нас большой опыт в этом деле.

Ответственная по подготовке материалов на русском языке Э.АБДУЛЛАЕВА.

Kimyogar
МУАССИС:
«Farg`onaazot»
акциядорлик жамияти
ISSN 2010-9830

Бош муҳаррир:
Рустам Мамажонов.

Манзил: 150108,
Фарғона шаҳри,
Саноат кўчаси, 222.
«Farg`onaazot» АЖ.
Тел.: 242-66-01; 65-33

Газета Фарғона вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2007 йил 7 майда 12-082 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида 2000 нусхада офсет усулида чоп этилди.
Босмахона манзили: Марғилон шаҳар, Туркистон кўчаси 236 «Б» - уй. Қоғоз бичими А-2. Буюртма: №
Босмахонага топшириш вақти: соат 9:00. Босишга рухсат этилди: соат 11:00. 19.06.2020 й.
Ушбу сонга масъул:Р. МАМАЖОНОВ.
Ушбу газета «Farg'onaazot» АЖ ишчи-ходимларига бепул тарқатилади.